


ТОШКЕНТ ХАКЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



САМИМИЯТ ВА ТҶЛА ҲАМЖИХАТЛИК ВАЗИЯТИДА

СОВЕТ—МНСР МУЗОКАРАЛАРИ ТУГАЛЛАНДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин билан Бирлашган Араб Республикаси президенти ва бош вазири Араб социалистик Иттифоқи Раиси Жамо Абди Носир ўртасида олиб борилган музокара 16 июлда Кремлда тугалланди. Жамо Абди Носир КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати билан Бирлашган Араб Республикаси билан Совет Иттифоқида бўлиб ўтган музокара

вақтида Совет Иттифоқи билан Бирлашган Араб Республикаси ўртасидаги муносабатларни янада ҳар тарафлама ривожлантиришга доир масалалар юзасидан, шунингдек ҳар икки томонини қизиқтирган актуал проблемалар юзасидан фикрлашув давом эттирилди. Музокара самимиият ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида бўлиб ўтган музокара

ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

17 июлда Москвада ВЛКСМ Марказий Комитетининг пленуми очилди. Пленум КПСС Марказий Комитетининг 1970 йил июль Пленуми якуни ва Пленум қарорларини бажариш борасида комсомол ташкилотларининг вазифаларини тўғрисидаги масалани муҳокама қилмоқда. Пленумда ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. М. Тижельников доклад қилди. (ТАСС).

КПССНИНГ XXIII СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 13 июлда бўлиб ўтган Пленуми КПССнинг навбатдаги XXIV съездининг 1971 йил март ойида чақиришга қарор қилганини бугун партиянинг, бугун совет халқи эшитиб, ниҳоят даражада хурсанд бўлди. Съездининг қуйдаги кун тартиби тасдиқланди:

1. КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади—докладчи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев.
2. КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисобот доклади—докладчи Ревизия комиссиясининг раиси ўртоқ Г. Ф. Сизов.
3. КПСС XXIV съездининг СССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик планига доир директивалари—докладчи СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин.
4. Партия Марказий органларини сайлаш.

КПСС бугун қаҳрамонона тарихи давомида унинг съездлари партия ва халқнинг революцион-ўзгартирувчи фаолияти учун жуда катта аҳамиятга эга бўлиб келган, коммунистик идеалларни амалга ошириш учун партия ва халқ олиб борган кураш йўлидаги энг муҳим босқичлар бўлган. Совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи бўлган партиянинг роли ҳозирги замон шароитида тобора кўпроқ ўсиб бормоқда. Илгир назария—марксизм-ленинизм таълимоти билан қуролланган партия бугун совет халқининг ташкилотчили ва сиёсий йўлбошчиси бўлиб Ватанимизни коммунизм сари дадил бoшлаб бормоқда. КПСС қардош марксизм-ленинчи партиялар билан, бугун дунёдаги революцион, демократик кучлар билан мустаҳкам интернационал бирдамлик алоқалари орқали боғланган. Навбатдаги XXIV съезд партиянинг коммунистик қурилишга, Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатига мамлакатининг ва бугун дунё ҳаётида муҳим воқеаларга бой бўлган даврда қардошлар қилиш борасидаги кўп қиррали фаолиятини яқинлаштиради. Съезд КПСС программасини бажариш учун бундан буён олиб бoриладиган курашнинг истиқболларини ва конкрет вазифаларини белгилаб беради.

Партия ўзининг XXIII съезди қарорларини бажариб, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда, мамлакатимиздаги социалистик иجتимоий муносабатларни такомиллаштиришда, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда янги муваффақиятларни қўлга киритишнинг таъминлади. Кейинги йиллар иккита шонли тарихий санагини ёрқин нури билан қароғон бўлди: партия билан халқ Ҳукуматининг социалистик революциясининг 50 йиллигини ва Владимир Ильич Ленин тугилган кунининг 100 йиллигини тантанали равишда ҳаққоний ифтихор тугуғлари билан нишонладилар. Бу воқеалар Совет жамиятининг ижодий қулишлари, оммавий меҳнат ғайратини ва сиёсий активлигини, умумхалқ социалистик мусобақасини ниҳоят даражада юксалтириб юборди: социалистик экономика ва маданиятни ривожлантиришда, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини оширишда беш йиллик йиллари мобайнида янги марраларга эришилди. Ишчилар синфи билан деҳқонларнинг бузулмас иттифоқи, СССР халқларининг ўзгаллиги, халқнинг жононган партия ва унинг Ленинчи Марказий Комитети теварагиндаги ахилт жипслиги тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланди. Совет тузумининг иқтисодий ва сиёсий асослари янада мустаҳкамлаб ва ривожлантириб бoраётганлиги, мамлакатимизнинг ўсиб бoраётган муҳофа қуввати Совет Иттифоқининг халқаро вазиятга тобора кўпроқ таъсир ўтказишини белгилаб бормоқда.

Пролетар, социалистик интернационализм байроғига со-

диқ бўлган КПСС XXIII съездининг социалистик ҳамдўстлик қудратини ва жипслигини бугун чоралар билан қучайтиришга, капитал мамлакатларидagi ишчилар синфи ва барча меҳнаткашлар оmmasи билан революцион бирдамликни кенгайтиришга, халқларнинг миллий озодлик курашини қўллаб-қувватлашга қаратилган йўлини изчиллик билан ўтказиб келмоқда. Партиямиз ўзининг фаолиятида ҳар доим коммунистик ва ишчи партиялар билан қардошлик алоқаларини маҳкамлашга, жаҳон коммунистлари улуғ арисининг бирлигини марксизм-ленинзмнинг, пролетар интернационализмининг бақувват негизи асосида мустаҳкамлашга, империализмга қарши, тинчлик ва халқлар озодлиги учун курашда планетамизнинг барча прогрессив кучларини жипслаштиришга интиломоқда. Коммунистик ва ишчи партияларнинг 1969 йил ёзида Москвада бўлиб ўтган халқаро кенгаши қатнашчилари империализмга қарши, тинчлик ишининг тантанаси, миллий мустақиллик, демократия ва социализм учун олиб бoриладиган муштарак курашга КПСС қўшаётган ҳиссасига юксак баҳо берилад.

Ҳама соҳада—сиёсий, иқтисодий, мафкуравий ва ҳарбий соҳаларда Совет Иттифоқи ярим асрдан кўпроқ вақтдан бери империализмга қарам-қарши бўлиб турбди. Биз халқаро ривожланишга асосий таъсиримизни ўзинининг ҳўжалик сиёсатини билан ўтказмоқдамиз. Партиямиз ўзининг самарадорлиги жиҳатидан ҳам, илмий-техникавий даражаси жиҳатидан ҳам жаҳонда энг илгир экономикавий вужудга келтириш йўлини ўтказиб келмоқда. Бунга ҳўжалик юртишнинг янги системаси ёрдам бермоқда. Бу янги система мамлакатининг ишлаб чиқариш қудратини тағин ҳам рақобатдор қўйиладиган, социалистик тузумнинг афзаллиқларини тўла равишда ишга солиш имкониятларини очиб берди. Совет халқи КПСС XXIII съездининг ва партия Марказий Комитети пленумларининг қарорларини амалга ошириб, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, иجتимоий ишлаб чиқаришнинг интенсивлаштириш ва меҳнат умумдорлигини ошириш негизида беш йиллик план топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун курашмоқда.

Беш йиллик ҳали тарғи тугалланмаган ва қолган вақт ичида бизнинг қандай ишлашимизга жуда кўп нарса боғлиқ бўлишига қарамай, XXIII съезд директивалари асосан муваффақиятли равишда амалга ошириладиганлиги ҳозирнинг ўзида ҳам равшан кўриниб турбди. Совет саноати ишлаб чиқариши беш йил ичида бир ярим баравар чамаси кўпайтирди. Саноат ялпи маҳсулотининг ҳажми эндиликда 386 миллиард сўмга етди. Ўсишнинг ўзи дастлабки икки беш йилликдаги ҳажми ишлаб чиқаришнинг деярлик бугун ҳажмига тенг бўлади.

Қишлоқ ҳўжалигида катта ўзгаришлар рўй берди. Кейинги йилларда қолхоз ва совхозлар анча мустаҳкамланди, қишлоқ меҳнатчиларининг фаворонлиги кўп даражада кўтарилди. Ўтиштириладиган доннинг ҳар йили ўртача миқдори ҳозирги беш йилдаги 1961—1965 йиллардагига нисбатан 32 миллион тонна миқдорда кўп бўлди. Ўғш, сўт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳам кўпайди. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида замонавий моддий-техника базасини вужудга келтириш асосида қишлоқ ҳўжалигини интенсивлаштириш—унинг хилмиллаштириш, ерларни мелiorация қилиш, ишлаб чиқариш комплекс механизациялаш программаси белгилаб берилди. Мингсиз ва аҳамияти жуда катта бўлган ва вақтинчалик ҳал қилиш мамлакат ахтёжларини тағин ҳам тўлиқроқ қондириш мамлакатларининг қўлаб қолхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини янада жадаллик билан ўстиришнинг таъминлайди.

Совет фани самарали ривожланиб бормоқда, жамият-

нинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучи сифатида тобора активроқ таъсир ўтказмоқда.

Партия совет кишиларининг меҳнатдаги муваффақиятларига, ҳўжалик ва маданий қурилишнинг ютуқларига таъини, халқнинг турмуш даражасини оширишга қаратилган ўзининг сиёсатини изчиллик билан амалга оширмоқда. Меҳнаткашларнинг реал иш ҳақи тўғрисида ошиб бормоқда, пенсия таъминоти яхшиланди, беш йилликнинг охирига бoриб ярим миллиард квадрат метрдан зиёдроқ уй-жой фойдаланишга топширилади.—Ҳар йили 11 миллионга яқин совет кишии янги уйларга кўчиб ўтмоқда.

Шу йиллар ичида социалистик соҳада ҳам кўпгина ишлар қилинди. Совет жамиятини сиёсий ривожлантиришнинг асосий йўли бўлган социалистик демократияни такомиллаштириш ва кенгайтиришга бу соҳада биринчи даражада аҳамият берилади. Меҳнаткашлар мамлакатини ва иجتимоий ишларни бошқаришга тобора кенгроқ тортилмоқда. Оммави бeлаштирувчи барча ташкилотларнинг, биринчи гада меҳнаткашлар депутатлари советларининг, касабa союзлари, комсомолнинг фаолияти тағин ҳам кўпроқ активланди. Қолхозчиларнинг Бутуниттифок учинчи съезди қолхоз демократиясини ривожлантиришда муҳим воқеа бўлди. Жамиятимиз ҳаётидаги мана шу самарали ўзгаришларнинг ҳаммасини совет қонунлари мустаҳкамлаб қай қилимоқда. Меҳнаткашлар коллективларининг фаолияти тобора кўпроқ демократик негизга асосланмоқда, партия, давлатнинг сиёсати тўғрисида совет кишилари тобора кўпроқ хабардор қилинмоқда, бу эса мамлакатининг чинакам ҳўжайинлари бўлган совет кишиларининг сиёсий онглигининг ўстиришга ёрдам беради. Партия, барча жамоат ташкилотларининг оммави коммунистик этиқоид, совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм, буржуа идеологиясига нисбатан муросасиз бўлиш руҳида ҳўжайин-тоғмай тарбияланишмоқда.

Шу йил июлда СССР Олий Советига ўтказилган сайлов жамиятимизнинг бузулмас бирлигини, меҳнаткашларнинг Коммунистик партияга ҳечқис шийошчли, оммави юксак сиёсий онглигини ва ватанпарварлигини янги куч билан намойиш қилиб кўрсатди. Саккизинчи чакриқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси халқ иродасини ифодалаб, катта давлат аҳамиятига эга бўлган қарорлар қабул қилди. СССР Олий Совети Президиуми сайланди, СССР ҳукумати—СССР Министрлар Совети тўзланди, палаталарининг доимий комиссиялари сайланди. ССР Иттифоқи ва иттифокдош республикалар меҳнат қонун асослари кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Мамлакатининг олий ҳўкматчи органи Хинди-Хитойда Америка империализмининг агрессияси кенгайиб бoраётганлиги муносабати билан ва Яқин Шарқдаги аҳвол тўғрисида баёотлар эълон қилди. Сессияда ички ва ташқи сиёсат масалалари муҳокама этилганлиги, халқ вакиллари қонунлар ва қарорларни тўла яқдиллик вазиютида қабул қилганликлари социалистик давлатимизни янада ривожлантиришга, унинг халқаро обрўини оширишга хизмат қилди.

Ленин партияси ҳар қачонгидан ҳам қудратли бўлиб ва жипслашиб, ярада ва ҳаракат бeришти билан кучли бўлиб, ташкилотчилик ва идеология ишининг, жамиятга илмий раҳбарлик қилишининг бой тажрибаси билан қуролланиб, ўзининг янги съезди сари бормоқда. Кейинги йилларда КПСС сафлари илгир энг онгли ишчилар, қолхозчи деҳқонларнинг ва халқ эътиборларининг энг яхши намояндалари ҳисобига ўсди. Бошлангич ташкилотлар тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланди, партия бугиларнинг ҳаммасида раҳбарлик услуби такомиллаштирилмоқда. Партия турмушининг ленинча нормаларига қаттиқ риоя қилинаётганлиги, партия ички демократияси янада аяқ олдирилганлиги коммунистларнинг активлигини, улар-

нинг ўз ташкилотларидаги ва бугун партиядаги ишларнинг аҳволи учун масъулиятини оширишнинг таъминлади.

XXIII съезддан кейин ўтган йиллар шу съезд ишлаб чиққан ички ва ташқи сиёсат йўлининг ниҳоят даражада илмий асосланганлигини ва довоилигин яққол исботлаб бермоқда. Бу ленинча йўл амалга ошириладиганлиги Совет мамлакатининг иқтисодий ва социал ривожланишининг янги марраларига чиқиб олишга имкон берди. Социалистик экономикани, фан, маданиятни янада тўхтовсиз ривожлантириш ва халқ фаровонлигини ўстириш учун, ҳозирги фан-техника революцияси шароитида капитализм билан бўлаётган иқтисодий мусобақада ғалабалаб қозониш учун яхши, мустаҳкам негиз яратилди.

КПСС XXIV съезиди таътирларик—бугун партиянинг, бугун совет халқининг иши. В. И. Ленин таълим бeриб айтган эдики: «олга бoриш керак, олдинга қараш керак, съездга ҳўжалик қурилишининг пухта ўйланган ва барча партия аъзоларининг ялпи меҳнати, ялпи қуч-ғайрати билан, диққат ва эътибор бeриб қайта ишлаб чиқилган амалий тажрибани олиб келиш керак». Биз партиянинг ленинча бoш йўлини изчиллик билан амалга ошириб, съезд сари бормоқдамиз. Партия XXIII съездининг, Марказий Комитет пленумларининг қарорлари, В. И. Ленин тугилган кунининг 100 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклада баён қилиб бeрилган қондалар ва хулосалар партия ва халқни янги ижодий бунёдкорликлар қилишга чақирди. Ишчилар синфи, қолхозчи деҳқонлар, эътиборлар ва партиячилар партия чиқиб бeрган режаларни муваффақият билан амалга оширишга, КПСС XXIV съездининг меҳнатда янги ғалабалар билан кутиб олшга астойдил интиломоқда.

Ватанимиз пойтахти Москва меҳнаткашлари ажойиб ташаббус бoшлаб бердилар. Шу куларда пойтахтдаги илгир корхоналарнинг коллективлари съезд шарофига социалистик мажорларнинг қабул қилмоқдалар. Қўпгина қолхозлар ва совхозларнинг меҳнатчилари давлатга дои, чорвачилик маҳсулотлари ва бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари сотиш планларини анча ошириб бажаришга сўз бермоқдалар. Илгорларнинг шонли ташаббуси умумхалқ томонидан жуда кенг равишда қўллаб-қувватланганига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Ҳозир энг муҳим иш, ҳар бир корхона ва қолхоз коллективининг, халқ ҳўжалигидаги ҳар бир тармоқнинг илгилк планини ва бугун беш йилликни муваффақиятли бажаришнинг таъминламоқ керак. Бунинг учун бугун кучини, барча резервларини сафарбар қилиш, иқтисодий тежалани жорий қилиш, социалистик мусобақага раҳбарлини такомиллаштириш, қийинчиликларни ва камчиликларни кўп билан бартараф қилиб, иттиозини ва ушқоқлиқни мустаҳкамлаш—партия ташкилотларининг бурчи.

Идеология ишига, матбуот, радио, телевидение олдиға қўйилган ташаббуслар ҳозир анча ошиб бормоқда. Бу соҳадаги биринчи вазифа шунки, партиянинг ленинча сиёсатини, КПСС XXIII съездининг ва Марказий Комитет пленумларининг қарорларини бажариш учун курашдаги муваффақиятларимизни кун сайин, мукур ва ёрқин пропаганда қилиш, коммунистик қурилишнинг ҳамма ушқоқларида оммавий ижодий ташаббусини қувватлаш ва ривожлантира бeриш керак.

КПСС XXIV съезиди муносиб кутиб олайлик! Ленин партиясининг сиғалган раҳбарлиги остида коммунизм янги ғалабалари сари олға.

(«ПРАВДА»нинг 17 июлдаги бош мақоласи).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг қуйайтиришдан қолхоз ва совхозларнинг моддий мамлакатларининг ошириш тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Шу қарорга биноан, 1970 йил 1 майдан бошлаб қолхозлар томонидан давлатга сотиладиган сўт ва қаймоқнинг амалдаги харид нархлари қуйидаги миқдорда тасдиқланди ва жорий этилди:

Ҳар росман бoл- ган 1 тонна сўт учун (сўм)	Бир килограмм қаймоқда 10 про- цент минг учун (тинин)
РСФСР	195
Украина ССР, Молдавия ССР	185
Белоруссия ССР, Литва ССР	190
Латвия ССР, Эстония ССР	210
Қозғистон ССР, Қирғизистон ССР	210
Ўзбекистон ССР, Грузия ССР,	
Озарбайжон ССР, Тожикистон ССР,	
Арманистон ССР, Туркменистон ССР	230
	45

Совхозлар, бошқа давлат, кооператив ҳўжаликлари ва аҳоли учун сўт билан қаймоқнинг харид нархлари мажбур қарорда қолхозлар учун тасдиқланган нархлар даражасида белгилад.

Иттифокдош республикаларнинг Министрлар Советларига амалдаги харид нархларига асосланиб, илгари белгилаган устималарни киритган ҳолда, қолхозлар учун қорамоллар, чўчқалар ва йилқиларнинг (гўштга сўйиб сотиладиганлари) янги харид нархларини ишлаб чиқиш ва бунин СССР Ми-

нистрлар Совети давлат нарх комитети билан бамаслаҳат белгилаб чиқиш топширилди. Бунда гўшт учун чорвачиликни янада ривожлантиришга қўлай шароит бўлган ва мажбур харид нархлари билан молларни реализация қилиш қолхоз ва совхозлар учун норентабель ёки кам рентабел бўлган зоналар бўйича қорамолларни харид қилиш нархларини оширишга рухсат этилди.

Қолхозлар томонидан давлатга сотиладиган қўй ва эчкиларнинг харид нархлари қуйидаги миқдорларда белгилад.

Ҳар росман бoл- ган 1 тонна тир- рик вази учун (сўм)	Семизлик- даги бир тонна тир- рик вази учун (сўм)
Қўйлар (Романов наслидан бўлган ва уларни чапатиришдан ҳосил бўлган қўйлардан ташқари) ва эчкилар	850
Қозғистон ССР, Ўзбекистон ССР, Туркменистон ССР	1050
РСФСР, Украина ССР, Молдавия ССР	1150
Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР	1250
Грузия ССР, Озарбайжон ССР, Арманистон ССР	1450
Белоруссия ССР, Латвия ССР, Эстония ССР	1800
Романов наслидан ва уларни чапатиришдан ҳосил бўлган қўйлар	

Совхозларда, бошқа давлат ва кооператив ҳўжаликларида, шунингдек аҳолидан моллар ва парандалар тегишли зоналардаги қолхозлар учун белгилаган нархларга биноан харид қилинсин.

Молларнинг семизлигига қараб янги харид нархлари қуйидагича қилиб белгилашнинг керак:

Юқори семизликдаги қорамол, қўй, ва эчки учун ўртача семизликдаги қорамол, қўй ва эчкининг нархидан 20 процент ортик;

Ўртача семизликдагидан кам қорамол, қўй ва эчки учун ўртача семизликдаги қорамол, қўй ва эчкига белгилаган нархдан 25 процент кам, ориқ (ностандарт) қорамол, қўй ва эчки 40 процент кам.

Биринчи категория бузоқларга ўртача семизликдаги молларнинг нархига биноан тўланади. Иккинчи категория бузоқларга эса ўртадан паст семизликдаги молларнинг нархига биноан тўланади. Бугулар ва қўтослар (сариклар) учун тегишли семизликдаги қорамолларга белгилаган нархга биноан ҳақ тўланади.

Бир ёшгача бўлган ёш қўй учун (гўшти ёғ олишдан қатъий назар) ўртача семизликдаги қўйларнинг нархларига биноан тирик вази қуйидагидан кам бўлган ҳолда ҳақ тўланади: Романов насли қўй-24 килограмм, гўшт-ёғ бeрадиган насли қўй-30 килограмм ва бошқа насли қўйлар—28 килограмм.

Тирик вази 16 килограмм ва ундан ортик, ярим жуллайдиган, Романов қўйининг териси стандартга мос келадиган Романов насли ва уларни чапатиришдан пайдо бўлган бошқа қўйлар учун харид нархларига қўшимча 20 процент миқдорда ҳақ тўлансин.

Жун бeрадиган ва ярим жуллайдиган, мўйна ва қўй териси стандартларига мос келмайдиган, шу-

нингдек яхши жулламайдиган (қоракўл ва ҳисор қўйларидан ташқари) қўй учун харид нархларидан 10 процент кам ҳақ тўланади.

Ориқ (ностандарт) чўчқа ва чўчқа боласи вази 6 килограммдан 20 килограммгача бўлганида, гўштга топшириладиган чўчқанинг нархларига биноан 20 процент скидка чиқариб, амадиган чўчқа боласининг тирик вази 6 килограммгача бўлганида эса ҳар килограмм тирик вази учун 2 сўм 50 тининдан ҳақ тўланади.

Иттифокдош республикаларнинг Министрлар Советларига мажбур

асосий харид нархига қўшимча ҳақ миқдори	35 процентдан 50 процентгача
Еш қорамолнинг тирик вази учун	

РСФСР, Украина ССР, Беларуссия ССР, Қозғистон ССР, Молдавия ССР, Латвия ССР, Эстония ССР

Ўзбекистон ССР, Грузия ССР, Озарбайжон ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР, Арманистон ССР, Туркменистон ССР

Иттифокдош республикаларнинг Министрлар Советларига ёш қорамолнинг тирик вази кўрсаткичларини СССР Қишлоқ ҳўжалик министрлиги ва СССР Министрлар Совети давлат нарх комитети билан келишиб ва зоналар бўйича табақалаштирилган ҳолда (ёш молнинг тегишли группаси бўйича қўшимча ҳақ суммаси доирасида) тасдиқлашга рухсат бeрилади.

1970 йил 1 январдан бошлаб давлатга қолхозлар, совхозлар ва бошқа давлат ҳамда кооператив ҳўжаликлари томонидан сотиладиган ярим майин ва дағал қоракўлдан ташқари) жуннинг қўпроқ оширишнинг қўда тутиш топширилди.

қарорда тасдиқланган харид нархларига биноан молга, сўтга ва қаймоқга харид—нархларини ишлаб чиқиш ҳамда СССР Министрлар Совети давлат нарх комитети ва СССР қишлоқ ҳўжалик министрлиги билан келишган ҳолда бу харид нархларини зоналар бўйича табақалаштиришга рухсат этилди.

Молнинг янги харид нархлари йилнинг барча мавсумлари учун ягона қилиб белгилад.

Жуда семиз бўлган ёш қорамолнинг харид нархларига қўшимча қилиб ҳақ тўлаш мақсадида мувофиқ деб топилади.

асосий харид нархига қўшимча ҳақ миқдори	35 процентдан 50 процентгача
Еш қорамолнинг тирик вази учун	

РСФСР, Украина ССР, Беларуссия ССР, Қозғистон ССР, Молдавия ССР, Латвия ССР, Эстония ССР

Ўзбекистон ССР, Грузия ССР, Озарбайжон ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР, Арманистон ССР, Туркменистон ССР

Иттифокдош республикаларнинг Министрлар Советларига ёш қорамолнинг тирик вази кўрсаткичларини СССР Қишлоқ ҳўжалик министрлиги ва СССР Министрлар Совети давлат нарх комитети билан келишиб ва зоналар бўйича табақалаштирилган ҳолда (ёш молнинг тегишли группаси бўйича қўшимча ҳақ суммаси доирасида) тасдиқлашга рухсат бeрилади.

1970 йил 1 январдан бошлаб давлатга қолхозлар, совхозлар ва бошқа давлат ҳамда кооператив ҳўжаликлари томонидан сотиладиган ярим майин ва дағал қоракўлдан ташқари) жуннинг қўпроқ оширишнинг қўда тутиш топширилди.

қарорда тасдиқланган харид нархларига биноан молга, сўтга ва қаймоқга харид—нархларини ишлаб чиқиш ҳамда СССР Министрлар Совети давлат нарх комитети ва СССР қишлоқ ҳўжалик министрлиги билан келишган ҳолда бу харид нархларини зоналар бўйича табақалаштиришга рухсат этилди.

Молнинг янги харид нархлари йилнинг барча мавсумлари учун ягона қилиб белгилад.

Жуда семиз бўлган ёш қорамолнинг харид нархларига қўшимча қилиб ҳақ тўлаш мақсадида мувофиқ деб топилади.

асосий харид нархига қўшимча ҳақ миқдори
--

ЮКСАК АХДГА ЯРАША

В. И. Ленин доклади ва н
лари асосида II конгресс Ко
тернийя вазифалари, Комму
нист партиянинг роли, Коминтер
дабул қилиш шартлари, Комин
тернийя пролетар революция
тутган роли ҳақида резолюция
бул қилди. Коминтерни устан
тасдиқлади, унга дабул қил
ди. 21 шартини белгиледи. Ҳ
қилишнинг янгидаги партия
қилишнинг янгидаги партия
асосланган эди. Коминтерни
II конгресси барча мамлакат
нинг ишчиларига мурожаат қил
ди. уларни революцион Россияни
мо қилишни қаққирди.
Биз нокапиталистик тараққ
ди. Ҳақиқатида Ленинча гол
тантани қилганини, бу голийни
юк мўъжизасини Совет Ўзбеки
ни мисолида ёқичи, мўъжизаси

ИККИ ОЙЛИК КИНОФЕСТИВАЛЬ

Эрта Осие темирйўли илмий-техника ахбороти ва пропагандаси Пул маркази пролетариат ҳижоми В. И. Ленин туғилган кўннинг юз йиллигига бағишлаб икки ойлик кинофильмлар фестивали ўтказилди.


Фестивалда вагон-клубларда, техника кабинетлари ҳамда кинолекторийларда жамин 40 та киноустановка ўрнатилиб, техникавий ва илмий мавзуларда фильмлар намойиш этилди.

Шунинг диндига сазоворлик, техникавий кинофильмлар В. И. Ленин ҳаёти ва революцион фаолиятига оид лекциялар билан биргаликда намойиш этилди. Жумладан, «Ленин — тириклардан тирая», «Ленин ва темирйўл транспорт», «Ленин ва Эрта Осие халқлари» ва бошқалар.

Айниқса, илмий техника ахбороти ва пропагандаси Пул маркази бошлиғи А. Пивоваров, унинг ўринбосари А. Саркисьян, Эрта Осие темирйўли бошқармаси юк ташини хизмати тартиб ижроетари Л. Леков ўзининг лекциялари кўпчилигига манзур бўлди.

Бундан ташқари, қишки Саройин штурм қилишда иштирок этган П. Шадрин, В. Дроздов, Г. Носков, шунингдек кеска темирйўлчилар А. Ифратов, А. Андреев ўзларининг лекция ва суҳбатлари ҳам мароқли ўтди.

А. ПАШКОВА.



ОХАНГАРОНДАГИ 9-мактаб маъмурияти шаҳар яқинида пионер лагерини ташкил этган эди. Ҳозир ана шу оромгоҳда қончиларнинг 200 ўғил-қизлари мириқиб дам олмақдалар. Уларнинг бу ерда вақтларини хушчақчақлик билан ўтказишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳ. РОЗИҚОВ ФОТОС.

Суратда: Опа-сингил Юсуповлар мутулаа устиди.

ЯНГИЛИКЛАР, ХУШХАБАРЛАР

ТОШКЕНТ ИСТИҚБОЛИДАН ҲИКОЯ

Пойтахтимизнинг Революция хабарларида ошлан кўрғазмани ҳозир қўйлаб тошкентликлар ва шахримиз меҳмонлари келиб томоша қилмоқдалар. Кўрғазма «Тошкент» деб номланган, ҳозир ва келажакда ўқитиладиган, ҳозир ва келажакда Тошкент кўрғазмига кўз олдига қўйиладиган намуна этиди. Тартибга солиниб кетган паҳса деворлиқ уйлар, тор кўчалар, фотосуратларга туширилган, Навбатдаги надрларга эса 1966 йилнинг 26 апрели ва ундан кейинги воқеалар ҳикоя қилинади.

Иккинчи, эски фотоларда Тошкентнинг бутунги жамоли, қарош республикалар буюқорлари қўрган иморатлар тасвирланган. Бунда Грузия ва Армениянинг вакилларининг дўстлик монументлари ҳамда В. И. Ленин проспекти макетини ҳам кўрасиз.

Кўрғазмининг учинчи зали Тошкент истиқболдан ҳикоя қилиди. Бу ерга қўрилган нишотлар макети, кўчалар, схема ва Тошкент метросининг макетда кўринишлари эътиборингизга ҳавола қилинади.

ТРАНСПОРТ САРОЙИ ҚУРИЛМОҚДА

Тошкентнинг Високоволт массивида 30 гектар майдонда катта қурилиш қизғин борапти. Қурувчилар 400 трамвай-троллейбус турадиган парк барпо қилмоқдалар. Уштан транспорт саройида бир неча бўлимдан иборат катта бош корпусда трамвай-троллейбуслар ремонт ҳам қилинади.

Транспорт саройи қурилишини 4-қурилиш трестининг 6-ва 71-бошқармалари ва 1-монтаж бошқармасининг бўйвқорлари олиб боришмоқда. 5 йил ичида 9 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши керак.

Қурилиш 1969 йил март ойида бошланган эди. Ҳозирга келганча ишлар бажарилиди. Масалан, диспетчерлик хоналарида пардозлаш ишларини

ТОҒЛАР БАҒРИДА

БОҒЛАР

Чотқол тоғларининг этакларида ястаниб кетган тепалиқлар, бақат баҳор фаслида кўм-кўк, либос ниярди-ю; ёз бошлангани билан яна яндоқ чўлда айланмоқдалар. Паркент қишлоғида ўрмон-мелюратив, хўжалиғи ташкил этилгандан кейин қир-қирларга жон кирди. Қудратли тракторлар овози ҳамаёқни тўти кетди. Тажрибали тракторчилардан тузилган махсус отряд хаш-паш дегунча 530 гектар майдонда яшил зона ҳосил қилди.

Механизмлар ёрдамида 151 минг дона олма, гилос, беҳи, олча ва нок ўтказилди. Эрта баҳорда ерга қадалган ниқоллар ҳозир илдириб, янроқ чинарған, Тепалиқлар энди поёисиз боғ-роғларга айланмоқдалар. Отирд аъзолари ҳозир келгусини планларини тузишмоқда. Уларнинг иши ҳали тамом бўлгани йўқ. Чотқол тоғ ён бағрлари яқин йиллар ичида серхосил олмазор ва узумзорларга айланди.

қолди, холос. Трамвай-троллей-бусларни ремонт қилдиган бош корпусда қурилиш ишларининг 35 проценти бажари-ган. Марказий омор қурили-шини ҳам мадал бориқда. Ало-ҳида машиналар турадиган би-нонинг ярми қўйилди чинарди-ли. 12 километрлик трамвай йўлининг ярми қўйилиб битка-зилди. Келгусин йилда 30 гек-тар жойининг ҳаммаси асфальт-ланади ва троллейбуслар тур-адиган майдонда ҳосил қилина-ди.

Қурилишда янш теруви-чилардан Ш. Отабеков, Б. Омо-гулаев, А. Янаев, П. Козлова, дурдорлардан В. Малинов-ский ва В. Литовкин жонбозли-қисатиб ишламоқдалар.

М. АЗМАТОВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕПРОГРАММА

20 ИЮЛЬ — ДУШАНБА

Биринчи программа Тошкент нўрсатади. 18.25 Кўрсатувлар програм-маси. Рус тилида: 18.30 Телевизион янгиликлар. 18.45 «Ленин ҳақида уч кўшиқ». Илмий-оммабоп фильм, 19.45 «Завода Восток» журнали саҳифаларида. 20.25 Кўрсатувлар программаси. Ўзбек тилида: 20.35. Телевизион янгиликлар. 20.50 Ҳаёқ контроли акцияси. 21.20 Телевизион новелларлар театри. Азиз Несин, «Турмуш хангомаси». Топиқ ал музика саҳифаларида жануб тарона-лари. 20.40 «Эстония». Кинофильм, (Эстонияда совет давлати ўрнати-лан) қурилиш 30 йиллигига бағиш-ланади. Рус тилида: 21.10 «Азиму» — туркист ўқашуносини клуби. 21.30 туркист тароналари. Телефильм, 21.55 «Қоронғулашган дераза» Ва-диний фильм, 1-2 сериалар.

Иккинчи программа Тошкент нўрсатади. Ўқув нўрсатувлари програм-маси. Ўзбек тилида: 18.00 Абитури-ентлар учун. Физика. Математика. Москва нўрсатади.

Учинчи программа 18.00 Душанба телестудиясининг нўрсатувлари

21 ИЮЛЬ — СЕШАНБА

Биринчи программа Тошкент нўрсатади. 18.25 — Кўрсатувлар про-граммаси. 18.30 «Қувонч пионер эли». (Ўзбек тилида). Рус тилида: 19.00 Телевизион янгиликлар. 19.15 «Техника таракети учун». 19.40 «Ҳаётнинг бошланғичи». Вадиний

фильм. Ўзбек тилида: 20.55 «Раққоса хиром атганда». Галия Измайлова. 19.00 Телевизион янгиликлар. 19.15 «Отақонлар ҳиммати». Телеочери, 22.05 «Вустон» телевизион журнали. Москва нўрсатади.

Иккинчи программа Тошкент нўрсатади. 19.00 Ўқув нўрсатувлари программаси. Абитуриентлар учун Математика. (Ўзбек тилида). 20.00 Москва нўрсатади.

Учинчи программа Тошкент нўрсатади. Ўзбек тилида: 20.00 Классик музика саҳифаларида жануб тарона-лари. 20.40 «Эстония». Кинофильм, (Эстонияда совет давлати ўрнати-лан) қурилиш 30 йиллигига бағиш-ланади. Рус тилида: 21.10 «Азиму» — туркист ўқашуносини клуби. 21.30 туркист тароналари. Телефильм, 21.55 «Қоронғулашган дераза» Ва-диний фильм, 1-2 сериалар.

22 ИЮЛЬ — ЧОРШАНБА

Биринчи программа Тошкент нўрсатади. 18.25 Кўрсатувлар програм-маси. 18.30 Телевизион янгиликлар. (Рус тилида). Ўзбек тилида: 18.40 «Орзу» Ўсмирлар учун программа. 19.15 Телевизион янгиликлар. 19.30 Вадиний ҳаваскорлар концерти Мос-ква нўрсатади.

Иккинчи программа Тошкент нўрсатади. 18.25 — Кўрсатувлар про-

граммаси. Рус тилида: 18.30 Болалар учун мультфильм. 19.00 Рассом ва жомон. 19.20 Эстрада концерти. Ўз-бек тилида: 20.00 «Август кайирама-си». Хўжақатли фильм, 21.10 Музика-вий қандай тингламоқ керак? Багла-да. 21.50 «Қора бизнес». Вадиний фильм.

Учинчи программа Тошкент нўрсатади. Ўзбек тилида: 20.00 «У 25 ёшда» Хўжақатли фильм. Рус тилида: 20.50 «Третий шаг галереи». 21.20 «Қоронғулашган дераза». Телевизион бадиний фильм. 2-сериаси. 22.00 «Тандем». Фильм-концерт. (Телемо-шабинлар талаблари мувофиқ).

23 ИЮЛЬ — ПАЙШАНБА

Биринчи программа Тошкент нўрсатади. 18.25 Кўрсатувлар програм-маси. Рус тилида: 18.30 Телевизион янгиликлар. 18.45 Кичкинтойларга артактар. 19.15 «Вақтинг қадри». Илмий-оммабоп фильм. 19.35 Кўрсатувлар программаси ва реклама. Ўзбек тилида: 19.50 Телевизион янги-ликлар. 20.05 «Лениннинг даврийи бағирго». 20.25 — Тошкентда ўтати-ладиган Осие ва Африка мамлакат-лари 2-халқаро кинофестивали олд-дан. Кино кўрсатуви. 21.45 Шерият муҳлисарида. 22.00 «Матонати-ни-

шлар». Вадиний фильм. 1-сери-я. 23.30 Ўзбекистон халқ амалий санъ-ати усталари. (Марказий телеви-деие учун тайёрланган кўрсатуви).

Иккинчи программа Москва нўрсатади. 20.30. Енгил атлетика бўйича халқаро мусобақалар. СССР — АҚШ. Ленинграддан олиб нўрсатилади.

Учинчи программа Тошкент нўрсатади. Ўзбек тилида: 20.00 «Бир куллик қозаниш». Хўжақатли фильм. 20.50 Беш йиллик илгори. Рус тилида: 20.40 «Ноктюрн». Вадиний фильм. 22.00 «Директорлар». Хрон-икаль-хўжақатли фильм. 22.10 «Уну-тилган денгизлар». Музикали про-грамма.

24 ИЮЛЬ — ЖУМА

Биринчи программа Тошкент нўрсатади. 18.25 Кўрсатувлар програм-маси. Рус тилида: 18.30 Телевизион янгиликлар. 18.45 Ўсмирлар учун. «Биз — еш ишчилар синфи». 19.25 Концерт. 20.10 Кўрсатувлар программаси. Ўзбек тилида: 20.20 Телевизион янгиликлар. 20.35 «Про-патандист» программаси. 21.05 КПСС Марказий Комитети толь Пленуми қарорлари — ҳаётга! 22.20 «Мато-натли кишилар». Вадиний фильм. 2-сериаси.

Иккинчи программа Москва нўр-

ЯНГИ шеърлар

О НА Ж О Н

Мени қийнар, сўнгсиз халқон,
Тоғда сендан кетарман узон,

Койнагим, мени онажон,
Ўғаларга солмагин қулоқ —
Тоғда сендан кетарман узон...

Юрагимда аламли хижрон,
Ўша қиз... У севмасди... Она!
Дўстларимга ушбу хонадон —
Кимасанқидир, гўё бегона
Ўша қиз ҳам, севмасди... Она!

Юрагимни очмоқлик учун
Сендан ўзга кимим бор, яна!
Емонларга етмас қучим —

Дўстларим ҳам ёғдирар таъна
Сендан ўзга кимим бор, Она?...

Дўстларимни ёмонлагим йўқ,
Ўзимни ҳам оқламам сира...
Ўша қизиз омонининг йўқ
Она, қўнглинг бўзмасди хира —

Ўзимни ҳам оқламам сира...
Дуо қилиб мени онажон
Олисларга йўллагин яна...
Юрагимда эгу-халқон,
Дўстларим ҳам бўлмас бегона...
Олисларга йўллагин, Она!...

Олисларга йўллагин, Она!...
Шавкат ТУРЎБ.

ТОШКЕНТИМ

Ардоқлаб улғайтди қуёшдай меҳрини,
Бир эрка ўғлиниман, жонажон Тошкент.
Сенга бахшдадир қалбдаги меҳрим,
Севиб ардоқлайман, қадрдон Тошкент,
Гулларга буркандинг овоз Шарқимда,
Ҳиммату-саҳоват ҳар қалбнинг ёни.
Мадҳинг ситмас асло кичик

баҳримга,
Бағри кенг диёрсан толе тумори,
«Оқ олтин» хирмонлар бўй чўзар қўққа,
Пахтагн оппоқ эрур қўнглинг минсоли,
Донмо бош бўлгин чўнг сафда кўнга,
Она шаҳрим, Тошкент дўстлиг тимсоли.
Д. ТУРАХМЕДОВ.

ХУЖУМ ТАНТАНАСИ

МЕКСИКАДАГИ ЧЕМПИОНАТ ҲАҚИДА ФУТБОЛ МУТАХАССИСИННГ ФИКРЛАРИ

натиди тўп киритиб, ўз командалари-нинг галабасига салмоқли ҳисса қўшганини эсдаб ўтаман. Уларнинг олдинги линиядаги бундай муваффақиятли ўйини техник ва тактик маҳоратини ҳар томонлама яхши тайёргарлик билан қўшиб олиб бориш тўғрисида юз берди. Ўз навбатида қўнғина номинал хужумчилар қийин дақиқаларда ўз ҳамоҳу-дчиларига яхши ва мохирона ёр-дамчиликлар афсуски, совет хужумчилари ҳақида бундай деймай-миз. Уруғай қилди қўнғина бундан бўлган ўша хужум учрашувда улар Уруғай терма ко-мандаси ҳимоятчиларининг олдинги ўттишларини бартаф қилиш учун шўнчалик кўп кўч сарф қилдилар-ки, натижада хужум қилиш вақти келганда уларда етарли куч қол-мади.

Мен бу ҳақда афсусланиб ёзаёт-ганимнинг бонси маъзур учра-шувда биз ютқазиб қўйганимизда эмас. Совет футболчилари ўш-ун икки йил муқаддам чет эллик рақиблиардан жисмоний тайёргар-лик катта устуликка эга эди-лар. Ҳозир бундай эмас. Ваҳолан-ки, ўйинчиларнинг жисмоний тай-ёргарлиги қанчалик юқори бўли-ди, уларнинг техник фазилатлари шун-

қўпроқ майдонда югуришнинг ўзи қанчалик қийин. Кенг майдонда тез-лик билан маневр қилиш, илдиз-дуял маҳоратини ўз командаси фой-дасига максимал тарзда ишлати-б олиш ҳам керак. Яқин-яқинларда СССР терма командасининг ўйин-чилари Войнов, Нетто, Воронин, Понедельник, Мехи шундай қи-лишини уйдасидан чинардилар.

Шундай қилиб, юқорида айтил-ган фикрларини худосайилик. Қўч, тезлик ва майдондаги ўйинчилар-нинг умумий маневри йингидисидан ҳосил бўладиган ва команда-нинг катта куч билан амалга оши-радиган маневри ҳозирги замон футболда интенсив ўйин тактика-сининг асосий восталаридадан би-ри.

Сўнгги чемпионат ҳақида ҳозир-ча яна нимагиларни айтиш мумкин? Балад тоғ шариоти турлир олди-дан айтишга даражада хаффи бў-либ чиқмади. Европаликлардан италияликларига баладиди хав-фини бошқаларга қараганда ях-широқ енга олдилар. Гарбий гер-манияликлар ҳам, инглизлар ҳам баладидида юксак маҳорат кўр-сатдилар.

Чемпионат олдиндан бошқача ха-рактердаги хавфини ҳам айтиб, тур-

ли кўринишдаги ҳимоя система-ларини футболга ёмон таъсир қи-лмасинки, деб ўйлашган эди. Ай-тиш керакики, турнир хужум танти-на қилганини намойиш этди-ГФР — Англия ўйинида киритил-ган бешта тўп, Италия — ГФР уч-рашувидида еттига тўп бунинг яқ-қол мисолидир. Финал ҳақида та-ҳрир ўтирмаса ҳам бўлади. Ўз дарвозаси яқинида ҳаракат қилиб, фарзат қарши хужумини яллаган италияликлар қаттиқ жазолашди-лар. Жаҳоннинг энг яхши коман-далари Мексикада хужум ва фа-қат хужумга иштилоқлар.

Назаримда, жаҳон чемпио-нати ўтказиш тартиби бироз та-қоимлаштиришга муҳтож. Ҳозирги гуруҳчаларда ўйинлар системаси шунга олиб келмоқдаки, Венгрия, Испания, ГДР, Португалия, Арген-тина каби кучли терма командалар финалга чиқолмай қолмоқда. Ваҳо-ланки, айни чоқда жаҳон аренаси-да муваффақият қозонмаган фут-болчилар (Исроил, Марокаш, Сальвадор осонгина финалчилар сафидан жой олишмоқда).

Энди совет командаси хусусида тўхтаيمان. Мен техника ва так-тик фикрлашда рақиблиардан орқа-да эдик, биз жаҳон стандартлари даражасига етган ўйинчиларга эга эмасдик (Альберт Шестернев, Владимир Калличий ва Анзор Ка-вазашвили бундан истисно), деган Ўйиннинг фикрини эсдаб ўтаман Бу фикрга қўшилмай бўлмайди. Команда, умуман, биз ҳаммамиз-умид қилган даражада ёмон тай-ёрланган бўлиб чиқди. Хусусан, ўйинчиларнинг бир-бирини тушу-ниш яхши бўлмади. Бунинг бо-иси, асосий состав аниқланмагани-лида бўлса керак. Албатта, Га-врийл Качалини яхши ўйинчиларни танлаб олишни истарди. Лекин, ҳа-деб ўйинчиларни ўзгартираверш мумкин эмас-ку!

Ўйинчиларнинг ирода кучи ҳам қаноатлантирмади. Борди-ю, гол-ландиялик арбитр Ван Равенс СССР — Уруғай матчиининг 117-минутда хатога йўл қўйган вақти-да ҳам совет ўйинчилари тўп учун курашини ўз хоҳишларига, судья-нинг сигналди эшитилмасдан тўх-ташга ҳуқуқлари йўқ эди. Ар-битр ҳамма вақт ҳақ бўлади!

...Сўнгги жаҳон чемпионати меида ана шундай фикрлар тўғри-дир. Итаригидикидек ҳозир ҳам футболнинг ҳаракатсиз, нухта те-хникасиз, ўйлаб тузилган коллек-тив кураш тактикасиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Веселод БОБРОВ,

хизмат кўрсатган спорт масте-ри, СССРда хизмат кўрсатган тренер.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Ўйинлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

9.55 — Кўрсатувлар програм-маси.
Ўзбек тилида: 10.00 — Телеви-зиаторлар театри. 10.40 — Да-дам калитан (Вадиний фильм), 11.50 — Кўрсатувлар програм-маси.

12.00 дан — Москва нўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

16.55 — Кўрсатувлар програм-маси. 17.00 — Телевизионликлар (Рус тилида).

Ўзбек тилида: 17.10 — «Бойче-чан» программаси, 17.40 — «Ин-женер (Хўжақатли фильм), 18.00 — «Ҳазалхон ёшлиғим», 18.55 — Телевизионликлар. 19.10 — Эстрада шинавандалари, сизлар учун!, 19.50 — Кўрсатувлар програм-маси.

20.00 дан — Москва нўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

15.00 дан — Москва нўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида 20.00 — «Музич-залар масанни» (ширк томошала-ри), 20.40 — Чол билан кампир (Вадиний фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — Москва нўрсатади.

Театр

МУЗИКАЛИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/VI да Қайнона, 19/VI да Па-ранки сирлари, 20/VI да Гавҳари шамчироқ.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Ўзбекистон — «ЧАНКА», «ЎЗ-БЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечурун),

Уғрилган — «СПУТНИК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛ-ЛИГИ» (кундуз ва кечурун), «МОСКВА» (эрталаб соат 11

арим, кундуз 3 арим ва кеч 2 да).

Уч ёллама теннис — «ЎЗБЕ-КИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечурун).

Севги ёши (эрталаб соат 11, кундуз 1, 3, 5 арим ва кеч 2 аримда). Графиня Коссеви (кеч соат 8.45 минутада) — САНЪАТ САРОЙИ.

Она муҳаббати — НАВОЙИ НОМЛИ, (кундуз ва кечурун),

Онам эрга тегди — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечурун).

Яшасин севи! — «МОСКВА» (кундуз соат 1, 5 ва кеч 9 да),

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ

МАРКАЗИИ МАДАНИЙ ВА ИСТИРОХАТ ВОҒИДА

18, 19 ИЮЛДА

(кураш майдонида)

КАТТА КУЛГИ КЕЧАСИ

Кулги билан қалбларда ором.

Кулги билан ишарур одам.

Кечада-Қўнғонлик ёш хушовоз

АТХАМЖОН МАМАЮСУПОВ

иштирок этади.

Кулги кечаси кеч соат 8

аримда бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

11-ШАҲАР ХУНАР-ТЕХНИКА

ВИЛИМ ЮРТИ

1970-1971 Ўқув йили учун

Ўқувчилар

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти: сановат ускуна-

ларининг монтажи, станция,

подстанция ва тармоқларни

қайта номутациялаш бўйича

электр монтерлар, электросле-

сарлар, уста ёрдамчилари

(ийирув, тинув машиналари

ва бошқа машиналарга) таъ-

бирлайди.

Ўқш мuddати 2 йил.

Ма